



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 23 сентябрь № 200 (3475) Пайшанба

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримовга Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мухаммад Сўхроб Хусайн 22 сентябрь куни Оксаройда ишонч ёрлигини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Бангладеш муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Янги лавозимга тайинлангани муносабати билан элчини қутлаб, юртимизда бошлаётган миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Бангладеш элчиси самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Шу куни Президент Исроил Каримов Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Юичиро Кусумотодан ишонч ёрлигини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон билан Япония — стратегик ҳамкор давлатлар. Япония юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда, улкан лойиҳаларда фаол қатнашиб келмоқда.

Учрашувда икки томонлама муносабатларимизнинг салмоқли ҳуқуқий асоси яратилгани таъкидланди.

Президент Исроил Каримов Япония элчисининг Ўзбекистондаги фаолиятига муваффақият тилади.

Ю.Кусумото Ўзбекистон-Япония муносабатларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш имконияти туғилганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримовга Исроил Давлатининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эммануэль Мель ҳам ишонч ёрлигини топширди.

Ўзбекистон-Исроил муносабатлари савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда, айниқса, жадал ривожланмоқда.

Президент Исроил Каримов Ўзбекистон-Исроил ҳамкорлиги келгусида барча йўналишларда ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Исроил элчиси самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди.



Ишонч меҳнатидан қачон завқ олади? Қачонки қилинган заҳмат ортида тўқилган ва фароғатни кўрсатган, албатта. Шу халқлар билан сураткаш муҳаббатимиз Рашид Галиев Янгийул туманининг «Ниебоби» ширкат хўжалиги далаларини оралади. Ширкат аъзолари бу йил режадаги янги ҳосилни 35 центнерга етказишмоқчи экан. Сиз суратда кўриб турган теримчи — Гулбахор Кўчқорова. У ошпа аъзолари билан кунга 300-400 килограмдан пахта териб олаётган. Шундай ушшоқлик боис хўжалик пахтакорлари кунга режадаги нисбатан 6-8 фоиз ҳосилни қабул пунктларига топширмоқдалар. Шубҳасиз, буларнинг барчаси иш ҳақининг ўз вақтида бериб борилаётганидир.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов жаноби олийларига

Жаноби Олийлари, Ўзбекистонга яқинда амалга оширган ташрифим чоғида Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон ҳукумати кўрсатган самимий меҳмондўстликдан бағоят мамнун бўлдим ва бунинг учун чин қалбдан ўз миннатдорлигини изҳор этмоқчиман. Мен, шунингдек, минтақа бўйлаб сафарим бошида Ўзбекистонга ташриф буюганим ва вақтингиз тизгилгига қарамай Сиз Жаноби Олийлари билан мазмунли мулоқот ўтказганимдан беҳад хурсандман.

Бу галги ташриф давомида Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларида бўлиб, Сиз Жаноби Олийлари ва кўпгина расмий кишилар билан учрашдим. Фурсатдан фойдаланиб, япон-ўзбек муносабатларини дўстлик ва стратегик ҳамкорлик асосида ривожлантириш юзасидан фойдали фикр алмашиш имконияти учун ўз миннатдорлигини изҳор этаман. Мен мустақилликка эришгач Ўзбекистон ҳукуматининг давлат қурилишига йўналтирилган саъй-ҳаракатларини олқийман. Зотан, Ўзбекистон ўз йўлида қўллаб қийинчиликларни енгиб ўтишига тўғри келди. Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Япония бундан бун ҳам турли соҳаларда яқин ҳамкорлик тизимини мустаҳкамлашлари зарур. Бундан ташқари, мен Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва тараққиёти, шу жумладан, қўшни Афғонистон тинчлиги бутун Евроосий барқарорлиги ва тараққиёти учун гоят муҳимлигини чуқур англаб етдим.

Марказий Осиё бўйлаб сафаримнинг биринчи куни мен Тошкентдаги жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде сиёсий маъруза қилдим ва фикримча, Япониянинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ва халқро ҳамжамиятага нисбатан янги сивсатини ошқор қилиш жуда фойдали бўлди.

Ўзбекистон саъй-ҳаракатлари натижасида Япониянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларида тарихий воқеа саналган «Марказий Осиё+Япония» мавзуда минтақа ташқи ишлар вазирларининг учрашуви муваффақиятли бўлиб ўтди. Мен мамлакатларимизнинг кўмаги ва ёрдами учун самимий миннатдорлик изҳор этаман ва бошланган мулоқотни давом эттиришда Сизнинг кўмагингизга таянман. Ушбу ташриф чоғида мен Марказий Осиёнинг ҳар бир мамлақати изчил тараққиётга йўналтирилган ўзаро минтақавий ҳамкорликдан чуқур манфаатдор эканига яна бир бор амин бўлдим.

Мен бундан бун ҳам ўз саъй-ҳаракатларимни икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва «Марказий Осиё+Япония» мулоқотини ривожлантиришга сафарбар этаман.

Мақтубим якунида Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса юксак тараққиёт тилашга ижозат берайиз.

Чуқур эҳтиром ила,  
Эрико КАВАГУЧИ,  
Япония ташқи ишлар вазир.

## ТАДБИРКОР КИТОБ ЎҚИМАЙДИМИ?

Бадий асар ҳаётимизда муҳим ўрин тутди. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда бўлса, у ҳар бир инсонга ёшлардан тасвир кўрсатиб, унинг шаклланишида алоҳида аҳамиятга эга. Яқинда халқро миқёсда қизиқ ташриба ўқилибди. Унинг натижаларига кўра дунёга танилган машҳур кишилар бадалигиданоқ китоб шайдои бўлишган экан.

Халқро Нобель мукофоти ташкилотчиси, танили швед олими, муҳандис Альфред Нобель физика ва химия соҳасидаги илмий изла-нишлари ва ихтиролари билан банд бўлишига қарамадан бадий асар ўқишга ҳам алоҳида эътибор берган. Унинг таъкидлашича, бадий асар киши руҳини поклаб, яшатириб, чарчоқлардан фориқ этаркан. Олимнинг жаҳон адабиёти дурдоналаридан иборат улкан кутубхонаси ҳам бўлган. XIX аср француз адабиётига бе-хад эътибор. Инглиз файласуфи Спенсер, Вольтер, Шекспир асарларини, Виктор Гюгонинг роман ва шеърларини, Ги де Мопассан ҳикояларини, Бальзак ва А.Ламартин ижодини гоётда қадрлаган. Бундан ташқари, рус адаби Иван Тургенев билан норвег драматурги Генрих Ибсен асарлари унга ўзгача ҳузур бағишларди. Китоб билан бир умр дуст тутинган Альфред урининг сўнги йилларида оғир юрак хастали-гига учраганлигига қара-масдан адабий асарлар ёзиш билан шугулланган ҳамда бу соҳада ҳам ўткир қалам соҳиби экан-лигини намойиш этган.

Дарҳақиқат, китоб бизнинг дўстимиз. Энг шодон ва энг ташвишли кунларимизда ҳам биз ундан завқ олашим. Шундай экан, китобни тар-ғиб қилиш ҳам бизнинг вазифамиз. Ўқиган яхши китобимизни дўстимиз, фарзандимиз, ҳамкасби-мизга тавсия қилиш ҳам тарғиботнинг бир тури. Яна ўйлаб қоламан, тар-ғибот шартимкан, қизиқ-қан одам ўзи топиб ўқи-верадди, қизиқмаганга минг гапирганинг билан парвосига келмайди. Бир ой муқаддам ради-онинг ёшлар канали ор-қали интеллектуал ўйин берилди. Унда «Обид кетмон» асарини ким ёз-ган деган савол ҳам бор эди: Уйинда иштирок этаётганлардан бири ушбу саволга Абдулла Орипов дея жавоб қай-

тарди. Бундан мен жуда қаттиқ хафа бўлдим. Кўз ўнгимга беихтиёр бошқа бир манзара келди. Мек-сикада ишланган «Елгон асираси» кинофильми те-левидениенинг Ёшлар те-леканалида деярли бир йил давомида намойиш этилди. Деярли бир йил давомида ҳафтанинг беш кунда фильм бошлани-шидан аввал ўн хилга яқин печенье ва чойлар

ева. — Биргина бизнинг ўзимизда бир неча но-мдаги китоблар чоп этила-ди. Улар аввало, мазмун-моҳияти, китобхонлар са-вияси назарда тутилган-ли ва беағи билан бу-гунги китобхонлар тала-бига жавоб бера олади. Қайтадан тикланган етти-та бўлим фаол ишлаб ту-рибди. Мумтоз адабиёт, насро, назм, халқ оғзаки ижоди, таржима адабиё-ти бўлимининг таъйр-ланаётган китоблар ўз ўқувчи-сини топиб бораёттир. Кези келганда бир

нарсани айтиб ўтмоқчи-манки, Республика матбу-бо ва ахборот агентлиги тизимидаги ижодий ўй-лар таҳририятлари китоб-лар нархини 20-30 фоиз арзонлаштиришига эриш-ди. Лекин ташвиқотга кел-ганда биз оқсаб қол-моқдамиз. Сабаби пули-миз камроқ. Сөзиб туриб-ман, гапимга унча ишон-қирамаймиз. Китоб чи-қариш пулилик бўлиб кетган-ди, демоқчисиз. Агар шун-дай десангиз маълум маъ-нада ҳақсиз. Муал-лифининг китоб чиқариш учун тўлаган пули қоғоз, цех ишчилари учун кетиб қоляпти. Йирик фирма-лар, ташкилотлар, бада-лат шахслар, фермерлар шунчи ҳисобга олган ҳолда бизга моддий жиҳатдан ёрдам бериши, имкони борлари ҳомийлик кўрс-атиши ёшларимизни анча йўлга солиб олар-дик. Китоб дўконларида ойда бир марта янги ки-тоблар кунлари ўтказиш ҳам яхши самара бериши шубҳасиз. Агар ҳамма-миз биргалашиб ишласак, бу муаммонинг ҳам ечимини топишимизга ишонманам. Ҳамма нарса ҳаракатга ва интилишга боғлиқ.

Тажрибали ноширнинг гаплари асосли. Бозор шароитида кўп нарсани ташвиқот хал қилиши мумкин. Келинг, бир-галда фикрлашайлик. Бу маслаҳатга чой, печенье ва шарбат ишлаб чиқара-ётган ва реклама қилаёт-ган ташкилотларни ҳам чорлаймиз. Қани, улардан қандай фикр чиқаркин?

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## БАДИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ХАЛҚРО СЕМИНАР

Пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида олий тоифали гимнастикчиларни халқро даражада тайёр-лашга бағишланган семинар бошланди

Юртимизнинг бадий гимнастика бўйича мураббийлари учун ўтказилаётган мазкур халқро анжуман Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Бадий гимнастика федерацияси ташаббуси билан ташкил этилди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом авлодни воғга етказишга қатъий эътибор берилётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Умид нисоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларидан иборат уч босқичли улзуқсиз тизим яратилгани, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани бунинг яна бир ёрқин далилидир. Юртимизда оилавий спортни янада жонлантириш, хотин-

қизларни спортга кенг жалб этиш ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Спортнинг энг жозибador тури — бадий гимнастика ҳақида гап кетганда, унинг юртимизда ўз анъаналарига эга экани қайд этилади. Шу йил 28 сентябрь-2 октябрь кунлари Тошкентда Бадий гимнастика бўйича жаҳон кўпбоғлиги мураббийлар Халқро гимнастика федерацияси эксперти Н.Кузмининг раҳбирида бадий гимнастикчиларни ривож-лаштириш аниқталарига оид маърузаларни тинглаб, амалий машғулотларда қатна-шадилар.

Халқро семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўрин-босари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.



### Режадаги уруғлик тайёр!

Олтиқўла тумани пахтакорлари дастлаб-ки галабани қўлга киритдилар. Қайта ишловчиларга 8515 тонна қияматларга саноат хомашиси етказиб берган миришкорлар уруғлик пахта тайёрлаш режасини ортига билад уйдладилар. Шунингдек, мар-ҳаматликлар ҳам 2346 тонна уруғлик пахта топшириш режасини бажардилар.

О. ШОДНОМАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Сўнги соатда



### Зафар муборак, «Пахтакор»!

Ўзбек футболчилининг шухратини жаҳон узра таратаётган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси кеч қечқурун Осиё чемпионлари лигасида Бираншан Араб Лигалиги пойтахти Абу-Дабийнинг «Ал-Ваҳда» жамоаси футболчиларини ўз майдонида қабул қилди.

Учрашув «Пахтакор»нинг тўла устунилигида ўтди. Ҳисоб — 4:0. Бизга қувонч ҳада этган галаба голларига Владимир Шилешев (2), Анвар Салиев, Леонид Кошелев муаллифлик қилди.

СУРАТЛАРДА: ўйин пайти. Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.



Техронда (Эрон) Исроил тараққиёт банки (ИТБ) бошқарувчилари кенгашининг йигирма тўқинчи йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. 1974 йилда ташкил этилган Исроил тараққиёт банкининг асосий мақсадларини унга ўз соҳа мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва техник ҳамкорликни кенгайтириш, иссон ресурсларини ривожлантириш, фан ва технологиялар ривожига қўмаклашиш, атроф муҳитни ҳимоя қилиш ҳисобланади.

### БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Бу халқро молия ташкилоти билан ҳамкорлик республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиз 2003 йил августиде ИТБ таркибига кирган. ИТБнинг бу галги анжумани давомида Ўзбекистон ҳукумати ва Исроил тараққиёт банки ўртасида Техник қўмак тўғрисида битим имзоланди.

Анжуман давомида Исроил тараққиёт банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига мамлакат хусусий тармоғида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун 15 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит линияси тақдим этилиши тўғрисида молиявий битим имзоланди.

Исроил тараққиёт банки бошқарувчилари кенгаши йиғилишида Ўзбекистондан ИТБнинг бошқарувчиси — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Ғаниев ва бошқарувчи ўринбосари — Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси З.Мирқўжаев иштирок этди.

Виктор НИКОЛАЕВ,  
ЎЗА мухбири.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МЕХР ВА МУРУВВАТ  
МАНЗИЛАЛАРИ БЎЙЛАБ

Қўлимизда Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати тасдиқлаган «Мехр ва мурувват йили» дастури турибди. Унинг барча бандларини бирма-бир келтиришга ҳолат йўқ; ҳужжатнинг мазмуни кўмак ва мададга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатишдан иборат. Масалан, кам таъминланган оилалар ва ишламаётган оналарга ажратилган нафақа маблағлари ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баравар кўпайиши акс этган.



Менинг  
Қаҳрамон  
бобом!

Эл-юрт учун ҳалоқ хизмат қилган, унинг ташвишидан ташвишланиб, енгиллатишга интиланган, қувончидан қувониб яшайдиган одам кам бўлмайдди. Нукус туманида яшовчи Ўзбекистон Қаҳрамони Алланиёз Ҳотениязов ана шундай инсонлардан биридир.

Набираю абиралари унинг истиқболига ошиқаркан «Менинг Қаҳрамон бобом!» дея ғурурланишади.

Рашид ГАЛИЕВ  
олган сурат.



Яхшиликнинг  
Баҳоси йўқ

Уруш ва меҳнат фахрийлари, бошқа тоифадаги фуқароларга жамоат транспортида бепул юриш учун бюджетдан анча-мунча сармоя йўналтирилган. Дастурда қаровчисини йўқотган болаларга алоҳида эътибор берилган. Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйи ва ихтисослашган интернет-мактаблар тубдан таъминланган, 11 миллион сўмлик ҳомийлик маблағи уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланган. Мазкур болалар муассасалари турли хайрия ва жамоат ташкилотлари томонидан оталиққа олинган. Айтилик, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси Хўжайли Меҳрибонлик уйи, Тахиятош гўдақлар уйи ва иккита мактаб-интернати оталиққа олган, бу гамхўрлик хар қадамда намоеён: болалар озода қийинлашган, уларнинг ўқиш ва дам олиш хоналари ёруғ ва шинам, хуллас,

ҳамма қулайликлар муҳайё. Дастурни ишлаб чиққанлар соғлом авлод тарбияси масаласини ҳам алоҳида ҳисобга олишган. Болалар спортини ривожлантириш мақсади билан Қорақалпоқ филиалида Амударё, Кенгайли, Хўжайли туманларида спорт мажмуалари ва Нукусда спорт манежи қуришга юзлаб миллион сўм маблағ ажратган. Қарияларни қадрлаш дастурининг анча қисмини банд этган. Рўйхатга олинган пенсионерлар ва ногиронларнинг 95 фоиздан зиёди дастлабки диспансеризациядан ўтказилган, уларнинг 80 фоизи эса стационар ва амбулатория шараитларида муолажа олишган. Ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалар турмуш шaroитини яхшилаш учун «Маҳалла» жамғармаси томонидан 2,5 миллион сўм маблағ ва 1 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдами йўналтирилди. Бундай савоб ишлар

шарофати билан барча хайрия ташкилотлари, жамоат жамғармалари, қўллаб-тадбиркорлар шугулланишяпти. — Биз уруш қатнашчилари, ногиронлар, етимлар, кам таъминланган оилаларга муттасил ёрдам бериб келаямиз, — дейди халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Қорақалпоқ бўлими раиси Пулат Ордабоев. — Нукусдаги қўзи ожиз болалар мактаб-интернатига озик-овқат маҳсулотлари ажратдик. Республика телевидениесининг «Уй бекаларига ёрдам» кўрсатувини ташкил этишга маблағ бердик. Ҳомийлик ёрдами етишмаган дамларда ўзимизда ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўймоқдамиз. Айтилик, Қўнғирот туманида 50 гектар буғдой зорни ўзимизга олиб, баракали хирмон кўтардик. Ҳозир ун тайёрлайдиган жиҳозларни сотиб олиш ҳаракатини қиялпимиз. Оролни қўқариш Халқаро

жамғармаси ижроия қўмитасининг Нукус филиали Ўзбекистон Қаҳрамони Алланиёз Ҳотениязов яратаётган «Сарвут боғи» учун меваги дарахт кўчатлари олиб келишга анча-мунча сармоя ажратди. Бутун мамлакатда танилган бу саховатли инсон бир неча йиллардан бундан мақтабгача тарбия муассасаларини бепул ноз-неъматлар билан таъминлаб келмоқда. Шу маънода эзгуликдан фақат эзгулик туғилишига барча ишонди. — Яхшиликнинг баҳоси йўқ, — дейди «Нуроний» жамғармаси Нукус шахар бўлими раиси Искандар ака Шагилов. — Шаҳримизда ўн тўрт минг атрофида уруш ва меҳнат фахрийлари яшашади. Имкониятларимиз, бир оз чекланган бўлса-да, уларга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Мустақиллик байрами кунларида уруш қатнашчиларига юз минг сўмдан, юз ёшдан ошган икки нафар оқсоқолга эса етмиш минг сўмдан совға-салом бердик. Гап фақат пулда эмас, фаолларимиз ва хайрихоҳлар эл-юрт ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган одамларнинг хонадонларига бориб эзгу ва илқ сўзларини изхор этишмоқда.

Биз ҳавас қилган  
«ЭЛТЕКС»!

1992 йилда, аниқроғи, Мустақилликка эришганимизга бир йил тўлгандан кейин Қорақалпоғистон Республикасида «Элтекс» қўшма корхонаси қурилиши бошлаб юборилди. У, таъбир жоиз бўлса, ўлканинг иқтисодий турмушида мисли кўрилмаган янги даврни бошлаб берди.

«Элтекс» қурилишига қизғин киришилган кезлар эсимда. Юзлаб қурувчилар, муҳандис-техник ходимлар бунёдкорлик ишлари билан банд. Нукусдан, Бөрүнидан, Тўрткўлдан, Эллиқкальвадан келган ўндан ортиқ йирик қурилиш жамланмалари жамоалари ғайрат кўрсатмоқда. Мухбир сифатида қурилишга навбатдаги ташрифим чоғида «Эллиқкальвадек» оқурилиш» жамланмаси бошлиғи, Қорақалпоғистонда ҳам мизма мизма қурувчи Амуд Хайришов мийғида кулиб, ажаб-тоғвор «янгилик»ни айтиб берди: «Эрталоб қурилиш майдонига нотаниш бир киши келиб, бир қоп гуруч, бир бош кўчор ташлаб кетибди. Исмин-шарифини сўрашса, «Энг исимининг ахамияти йўқ. Энг муҳимини, ўз пахтаимизни ўзимизда кайта ишлаш даври бошлангани мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Кўчор билан гуручни эса чин кўнглимдан чиқариб олиб келдим!» деб жавоб берибди. — Бундай саховатпеша инсонларни кейинчалик бир неча марта кўрдим, — дейди у. — Айтимоқчиманки, уларнинг ҳар бири «Элтекс» қурилишига буғдой нони ва буғдой сўзи билан қўш қанот бўлди. Ва, ниҳоят, 1994 йилнинг ноябры ойи охирида озода ва обод Ватанимиз ахлининг нигоҳи Эллиқкальвага, унинг маркази — мустақил мамлакатнинг энг ёш

қўшма корхонада толлинг битим-бўйица жинси матосидан кийим-кечақлар тикиш ўзлаштирилди. 2002 йилнинг июлига келиб эса, муҳим иш жойига эга бўлган 2000 нафар ишчи-хизматчининг кучи билан жами 330398466

қўшма корхонада толлинг битим-бўйица жинси матосидан кийим-кечақлар тикиш ўзлаштирилди. 2002 йилнинг июлига келиб эса, муҳим иш жойига эга бўлган 2000 нафар ишчи-хизматчининг кучи билан жами 330398466

ларнинг тўли-томошларида, қувончли дамларида ҳаммиша биргамиз. — Биз ўз ишимизни янада яхшилашимиз керак, — дея суҳбатга қўшилиди Шри-ланка фуқароси жаноб Хиккадува Видана. — Маҳсулот сифати яхшиланса, ҳамми ошса, ҳаммамиз учун фойдали бўлади-да. Бундай илқ сўзларни филлипинлик Хуанита Баррамео хоним ҳам такрорлади. Эллиқкальвалар истиқлолимизнинг ўн уч йиллигини фақат «Элтекс», «Юнивер», «Медикал» катта корхоналарнинг қўшма корхоналарида эришяётган ютуқлари билангина қўшиб олишганлари йўқ. Халқаро Тикилиш ва тараққиёт банки иштирокидаги «Кичик ҳўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси» ҳал қилувчи босқичга кирган шу кунларда бу ҳудудда мелiorация тизимини яхшилашга қаратилган яна бир хайри ишга қўл урилди. Қадимловчи экскаватор чғи зовурлар қуришга киришди. «Элросел» қўшма корхонаси Россия Федерацияси тадбиркорлари билан ҳамкорликда янги-янги ишларни бошламоқда. Ҳа, бугун сизу биз орзу қилган кўтлуг кунларга етиб келдик, — дейди қўш акс этганидек, бу оддий ҳақиқат Эллиқкальва тумани бунёдкорлари меҳнати мисолида камалдек жилдолани турибди!



Тўрткўл банк коллежи ёшларнинг сеvimли масканига айланаб қолган.

Тиббиёт

Мурғак қалблар  
қувончи

Қорақалпоғистон республика болалар клиник шифохонаси мустақил тиббий муассаса сифатида бундан ўттиз беш йил муқаддам фаолият юрита бошлаган. Бу ерда ўтган йиллар мобайнида кўп нарсалар ўзгарди. Янги биналар қад ростлади, бўлимлар сонини саккизгагача кенгайтиди. — Хар йили бизда етти минг нафар бола дардига даво топади, — дейди бош шифокор, олий тоифали мутахассис Марям Собирова. — Мурғак миջозларни тезроқ соғломлаштиришда янги усуллар тадбиқ этилаётганини гурур билан таъкидламоқчиман. Гап шундаки, шифокорларимизнинг билим даражаси анча ўсди, уларнинг етмиш фоизи олий тоифага эга. Клиника Япония гранти бўйича замонавий ташхис ускуналари билан таъминланган. — Шифокор айни пайтда руҳшунос ҳам бўлиши керак, — давом этади Марям опа, — айниқса болалар дўхтирлари.


Қўпича гўдақлар қалбига йўл топиш осон кечмайди, лекин бизнинг мутахассисларимиз клиникага келган ҳар бир бола билан тил топишига ҳаракат қилишади, чўнки даволашнинг юзги кўпроқ кайфиятга боғлиқ. Республика болалар шифохонаси нафақат даволаш муассасаси, балки айни пайтда услубий марказ ҳамдир. Шифокорлар тез-тез туманларга чиқиб туришади, жойларда ҳаммасларига маслаҳат ҳамда амалий ёрдам беришади. Нукусдаги шифохона миջозларининг ўндан бир қисми эса миктанкинг турли бурчакларида яшаётган болақайлардир. Яқин вақт ичида даволаш биналарини тўлиқ таъмирлаш кўзда тутилган, иситиш тизими ва канализация яхшиланади, янгидан меъбел ва жиҳозлар келтирилади. Шундай қилиб, мурғак қалблар келгуси йилдан бошлаб бу масканда ўзларни янада қулайроқ ҳис қилишади.

Савоб

Болажон фермер

Ўз ёшига нисбатан анчайин чаккон бу оқсоқолни Амударё туманида яхши билишади. «Ерлепес» фермер хўжалиги раҳбари Ерлепес Бобониев, асосан, чорвачилик билан шугулланади. Ҳозир фермер қарамоғида 90 бош қорамол, шу жумладан, 40 бош соғин сиғир мавжуд. Ерлепес ака «Манғит» хўжалигида 30 йилдан зиёд бригадирлик қилди. Республикада фермерлик ҳаракати қўлч ёза бошлаганда у киши илк қалдирғочлар сифидан жой олди, мана ўн беш йилдирки, ўз вазифини муваффақиятли бажармоқда. Фермер ўзи етиштирган гўшт ва сўт маҳсулотини деҳқон базоридан сотади ва тумандаги шифохона ва болалар боғчаларига етказиб беради. Жорий йилда ўз ҳисобидан хўжаликдаги болалар боғчисини таъмирлаб берди, ўрта мактабнинг 1-4 синфлари ўқувчиларини дарсликлар билан хурсанд қилди. — Фермер хўжалигимизнинг 30 гектар ери бор, лекин бу кифоя эмас. Қорамолларни

қишлоқда тўлиқ ем-хашак билан таъминлаш учун ҳар бош жонивор ҳисобига бир гектардан ер зарур, — дейди Ерлепес ака. Жамоа пахтачилик билан ҳам шугулланади. Бу йил 12 гектар далада гўза ўстирилди. Тахрибали деҳқоннинг пайкали кўзини қувонтиради. — Насиб этса, бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан сифатли «оқ олтин» йиғиштириб олмақчимиз, — дейди фермер. Оқсоқолнинг ҳар бир гани доимо амалий иш билан иш боғлаб келган. У «Ташаббус» танловининг туман ва республика босқичларида бир неча бор совринли уринларни эгаллади. Кўп йиллик, самарали меҳнатлари орден ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган. «Ерғулбод» фермер хўжалигини бошқариб келётган Гулмурод — Ерлепес аканинг ўғли ота изидан бормоқда. Хуллас, ёш фермер деҳқончилик маҳорати борасида тажриба ўрганиш учун узоққа бориши шарт эмас.



Қорхонада ҳар бир ходимнинг, ҳақ у ишчи бўлсин, ҳақ техник ходим, ўз ўрни бор. Гуларо Холбоева «Элтекс» ташкил этилганда бошлаб, қадокловчи бўлиб ишлайди. — Ўз ишимдан мамнунман, — дейди опа. — Қорхонамизда биз ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Вақтида ишлаймиз, вақтида дам оламиз. Энг асосийси, вақтида маошимизни оламиз. СУРАТДА: қадокловчи Гуларо Холбоева иш устида. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Йиллар мазмуни

Қорақалпоғистонда катта нуфузга эга бу мўтабар инсон билан чорак асрдан бундан кўп йиллардан саксонинчи йилларнинг бошларида биз, ички ишлар вазириликнинг ёш ходимлари жиноятчилар гуруҳини қўлга олиш бўйича тезкор чораларни қўришда муайян қийинчиликларга дуч келгандик. Ораниздан кимдир адлия вазири ўрнибосари Нурулла Абдуллаев билан маслаҳатлашганини тақлиф қилди. У киши фикримизни дарров тушуниб бир неча муқобил йўллари кўрсатди. Натижада жиноятчилар тезда фош этилди.

1937 йилда Хўжайли райжироқумининг қатағонга учраган раисининг ўғли ўз умри мобайнида енгил ўлиб изламади. 1943 йилда эндигина ўн олти ёшга тўлганда Орёл ҳарбий-пийёда билим юртига ўқишга кирди, бу даргоҳни битиргач, амалдаги армия сафига сингиб кетди. Денгирни кечиб ўтишдек беқийёс жангда иштирок этди. Ярадор ҳолатда жанг майдонини тарқ этмасдан, енгил артиллерия кўрсатилган фашистлар самолётини уриб туширди. Бу жасорати учун юсоқ жағғовор орденлар билан тақдирланди. Ёш офицер урушини Берлинда тугатиб, Рейхстаг деворларига ўз дастхатини қолдирди. Уруш тугагач, ёш офицернинг бунёдкорона меҳнатига безорилар тўдаси ҳалақит бермоқчи бўлди. Лекин у махсус топшириқли тезкор полк тарқибидан ана шу тўдани тугатишда фаол қатнашди. Нурулла Абдуллаевич тергов соҳасига ўтиб ишлагач, ҳаётининг янги палласини бошдан кечирди, ўзининг нималарга қодирлигини намоеён этди. Унинг серғайрат фаолияти раҳбарият назарига тушади, кўп ўтмай Н. Абдуллаевич Қўнғирот туман жиноят кидирув бўлими катта терговчиси, кейинроқ бошлиқ ва Қорақалпоғистон ИИВ тергов бўлими раҳбарлиги лавозимига ўтказилди. У хар қанча банд бўлмасин, ички ишлар вазириликнинг Москва олий мактаби тергов бўлимида сиртдан таълим олди. 1970 йилда гвардия подполковниги Абдуллаев Нукус шаҳар прокуроври лавозимига тайинланди, унга адлия катта маслаҳатчиси ўнвончи берилди. Албатта, мазкур вазифа қўнғилчан ва юмшоқ табиат бўлишини тақозо этмайди, лекин айнан шу жойда оқсоқолнинг одамлар тақдирига нисбатан қанчалик меҳрибон ва адолатли эканлиги намоеён бўлди. «Айбисизлик презумпцияси» тамойили Нурулла ака учун оддий ибора эмас. Хар қандай турдаги жиноятчиға шафқатсиз бўлган прокурор хар бир ишга алоҳида муносабатда бўлди. Мисоли ҳодимларидан бирига нисбатан жинойи иш қўзғатилгани кечағидай унинг ёдида. Далилини ишончи қўринар, терговчи уни қамоққа олишга санкция талаб қиларди. Лекин Нурулла Абдуллаевич узоқ вақт мулоҳаза қўригандан сўнг бу ҳўжатга қўл қўймади. Орадан кўп ўтмасдан

офицернинг айбисизлиги исботланди. Бунинг учун прокурордан ички сезги талаб қилинарди. Нурулла Абдуллаев 1980 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазириликнинг биринчи ўринбосари, кейинчалик вазири лавозимига тайинланди, бу жойда 15 йил самарали фаолият кўрсатди. Ўтган давр мобайнида унинг раҳбарлигида ўнлаб судьялар етишиб чиқди. Хўқўқ илмининг билимдонлари барча ҳўққ-тартибот идоралари вакилларига ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб қўлиб қилишда катнашиб келди. Оқсоқол бугунги кунгача ҳам юнонларнинг «Дунё вайрон бўлса ҳам, адолат тантана қилсин» деган ҳикматини кўп такрорлайди. — Адлия — аслида адолат дегандир, — изоҳ беради Нурулла ака. — Адолат эса ҳаммиша устун келиши керак. Ҳозирги пайтда Нурулла ака Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш қўмитасининг ҳўққ-шартнома бўлимида ишлаб келмоқда. Унинг бой тажрибаси ҳаётга қўнунчиликни жорий этишда қўл келади. Қўллаб-қувватлаш хизмат кўрсатган юрист Нурулла Абдуллаев, ҳамон куч-қувватга тўлиб ишламоқда. Буш пайтларда эсдаликлар ёзишга вақт топаяди. Мен унинг қўлёзмалари билан танишиб кўрдим. Ишончим комилки, бу битиклар ниҳоятда қизик ва ибратли китоб бўлади.

Мехр ва мурувват манзиллари бўйлаб «Халқ сўзи» муҳбири Я. КўЧҚОРОВ ҳамда «Народное слово» муҳбири В. НОВИЦКИЙ сафар қилди.

